O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 10 ноябрь, № 223 (4376) Шанба

# ЭЛ САЛОМАТЛИГИ — БЕБАҲО БОЙЛИК

***Мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам изчил ва жадал олиб борилаётган ислоҳотлар ёрқин ва унутилмас натижаларга эришишга асос бўлмоқда. Бинобарин, Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисидаги маърузасида «Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистонда тиббий хизмат кўрсатиш тизими амалда тўлиқ қайта кўриб чиқилди», дейилишида қудратли мезон бор.***

**Эртага — Тиббиёт ходимлари куни**



Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

Дарҳақиқат, бугун соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон учун, унинг манфаати, турмуш фаровонлигини таъминлаш ва албатта, соғлом яшашига қаратилгандир. Замонавий, халқаро андозалар даражасидаги тиббий хизмат тизимини барпо этиш, ҳар жиҳатдан баркамол авлодни вояга етказиш — бу соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 1998 йилдаги Фармони билан Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилиниши соҳада бошланган ислоҳотларда туб бурилиш ясади. Стратегик аҳамиятли бу ҳужжатда тиббий хизматнинг миллий моделини босқичма-босқич шакллантириб бориш вазифаси билан бирга унинг устувор йўналишлари изчил ва аниқ баён этилди.

Яширишнинг ҳожати йўқ. Авваллари қишлоқларимизда мунғайибгина турадиган эски шифохоналарни кўраверив кўзимиз ўрганиб қолган эди. Мустақиллигимиз шарофати, ҳукуматимиз эътибори билан бу кўринишлар бугун ўзгача манзара касб этмоқда. Юртимиз қишлоқларида 3100 дан ортиқ замонавий қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) вужудга келди. Мамлакатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимида ишончли ва кучли тизим пайдо бўлди. Бу — энг илғор талаблар даражасида ташкил этилган аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизими эди. Таъбир жоиз бўлса, бу ҳол тиббиёт жабҳасида ўзига хос янгилик бўлди. Ҳозир Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 12 та филиали, туман ва шаҳарларда 174 та бўлими ишлаб турибди. Айтиш жоизки, ушбу замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган даргоҳларга мурожаат қилган беморларнинг ўз дардларига шифо топишларига бўлган ишончлари қатъийлашди, кўнгилларида шукроналик ўйғонди.

Миллатни янада соғломлаштириш ғоясини рўёбга чиқаришда юртимизда ташкил топган ихтисослашган тиббий марказлар ҳам жуда фаол иштирок этаяпти. Айни пайтда мамлакатимизда Кардиология, Хирургия, Урология ва Кўз микрожарроҳлик йўналишидаги тўртта ихтисослашган республика тиббиёт марказлари мавжуд. Уларда юқори малакали мутахассислар жаҳон миқёсидаги мураккаб ва ноёб операцияларни муваффақиятли ўтказаётганлари бу борадаги ислоҳотларимизнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Оналик ва болалик муҳофазасини тубдан яхшилаш тиббиёт соҳасидаги Давлат дастурида белгиланган устувор йўналишлардан ҳисобланади. Ўтган йиллар мобайнида оилаларда тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш бўйича кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Энг муҳими, ислоҳотларнинг бундай амалий самараси халқимиз турмуши ва ҳаёт тарзида ўз аксини топмоқда. Шу ўринда юртимизда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси ҳам сезиларли равишда ортганини мамнуният билан қайд этиш лозим.

(Давоми 4-бетда).

*9 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар.*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги Давлат бюджети лойиҳасини, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг янги Солиқ кодекси лойиҳаси концепциясини кўриб чиқдилар. Мазкур масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — молия вазири Р.Азимов маъруза билан, Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси А.Аҳадов қўшимча маъруза билан сўзга чиқдилар.

Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган мамлакат асосий молиявий ҳужжати лойиҳасининг батафсил муҳокамаси чоғида унда барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар 2008 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози барқарор ва балансли ўсиш суръатларини, иқтисодиётга тузилмавий ўзгаришлар киритиш ва уни модернизациялаш, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини техника ва технология жиҳатидан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш, бизнес, чет эл инвестицияларини ҳар томонлама жалб этиш учун имкон қадар мақбул шарт-шароитлар яратишни таъминлаш ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилганлигини таъкидладилар. Айни бир вақтда фуқаролар даромадларини изчил ривожлантириб боришни, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларида хизматлар кўрсатиш сифатини янада оширишни, шунингдек аҳолининг кам таъминланган қатламлари ижтимоий ҳимоясини таъминлашни назарда тутувчи давлат харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги сақлаб қолинган.

Қонунчилик палатаси муҳокама чоғида билдирилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги Давлат бюджетини маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг янги Солиқ кодекси лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида солиқлар ва йиғимлар сонини камайтириш, солиқ базаларини ва айрим солиқларни ҳисоблаб чиқариш қоидаларини, шунингдек уларни тўлаш тартибини имкон қадар бирхиллаштириш, солиқ имтиёзларини тартибга солиш, солиқ солишнинг аниқ, амалда синовдан ўтган ва халқаро нормаларга мос келадиган принципларини ишлаб чиқиш ҳисобига мамлакатимизнинг солиққа доир қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш муҳим эканлигини таъкидладилар.

Ҳужжатнинг муҳокамаси чоғида баён этилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар янги Солиқ кодекси лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, биринчи ўқишда қабул қилдилар.

(ЎзА)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

*Ўзбекистон Республикасида аҳоли соғлиғини сақлашга, ногиронликнинг олдини олишга ҳамда ногиронларнинг жамиятга интеграциялашувини таъминлаш учун шароит яратишга қаратилган чора-тадбирлар истиқлолнинг дастлабки кунларидан буён изчил амалга ошириб келинмоқда.*

"Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ногиронлар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириши учун уларга Ўзбекистон Республикасининг бошқа барча фуқаролари билан тенг имкониятларни таъминлаш, ҳаёт ва фаолиятларидаги чекланганликни бартараф этиш, тўлақонли турмуш кечириш, жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиш, шунингдек ўз фуқаролик бурчларини бажариш имконини берадиган қулай шароитлар яратиш мақсадида ногиронларга доир давлат сиёсатини белгилайди.

Аниқ мақсадга йўналтирилган ижтимоий муҳофазани кучайтириш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, айниқса ногиронларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, "Меҳрибонлик уйлари" ҳамда жисмоний ва ақлий нуқсонли болаларнинг ихтисослашган мактаб-интернатлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш соҳасида "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 мартдаги "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва 2007 йил 17 сентябрдаги "Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари давлатимиз раҳбари томонидан таърифланган вазифаларнинг бағоят долзарблиги ва аҳамиятини таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси билан халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг 8 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги

(Давоми 2-бетда).

# ШИФОКОРЛАР ШАРАФЛАНДИ

***2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, юртимизда ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси шифокорларнинг касб байрами сифатида нишонланади. Айни кунларда ушбу сана муносабати билан юртимизда кўплаб тадбирлар бўлиб ўтмоқда.***

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида тиббиёт ходимларининг касб байрамига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда соҳа ходимлари, олимлар, халқаро ташкилотлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда тиббиёт ходимларига кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар кўламини янада кенгайтириш, шифокорларнинг малака ва маҳоратини юксалтириш, халқимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан такомиллаштиришга қаратилаётган бундай эътибор туфайли кўплаб замонавий шифо масканлари барпо этилди, мавжудларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий маданиятини юксалтириш мақсадида жаҳон тиббиётида қўлланилаётган замонавий диагностика воситалари билан таъминланган минглаб бирламчи шифо масканлари — қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар фаолияти йўлга қўйилди. Бундай тиббиёт муассасаларида хизмат қиладиган умумий амалиёт шифокорлари тайёрлаш тизими ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг мукаммал тизими шакллантирилди.

Ихтисослаштирилган тиббий марказларда амалга оширилаётган замонавий диагностик ва оператив муолажалар самарасида минглаб беморлар соғлом ҳаётга қайтарилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 19 сентябрдаги соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги фармони асосида бундай тиббий муассасалар тармоғи янада кенгаймоқда.

Ҳамширалик хизматини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш мақсадида олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш тизими барпо этилди. Тиббиёт коллежларида ҳамширалик таълимини такомиллаштириш ва халқаро стандартларга мослаштириш бўйича маҳаллий ва хорижлик экспертлар ҳамкорлигида амалга оширилаётган лойиҳалар ўз самарасини бермоқда.

Тиббиёт илмининг барча йўналишларида шаклланган илғор мактаблар анъаналари муносиб давом эттирилмоқда. Олимларимиз касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш бўйича жаҳон тиббиётининг илғор тажрибаларини ўзлаштириш баробарида жарроҳлик, онкология, урология, нефрология, юрак-қон томир, ошқозон-ичак ва бошқа касалликларни даволашга йўналтирилган кўплаб янги технологияларни ишлаб чиқиб, самарали фойдаланмоқдалар.

Тиббиёт соҳаси ходимларининг аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, миллат генафондини мустаҳкамлаш, оилада соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлаш борасидаги фидокорона меҳнатлари халқимиз, давлатимиз томонидан муносиб эътироф этилмоқда. Соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари орасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Ватанимизнинг кўплаб юксак мукофотлари соҳиблари борлиги бунинг далилидир.

(Давоми 4-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***Андижон вилоятидаги 23 та саноат корхонасининг молиявий ҳолатини яхшилаш, экспорт салоҳиятини кучайтириш мақсадида 2007-2008 йилларда умумий қиймати 88,1 миллион АҚШ долларилик лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш белгиланган.***

### Истиқболли лойиҳалар

Жумладан, қишлоқларда фаолият кўрсатаётган енгил саноат корхоналарини техник қайта жиҳозлаш ҳамда модернизация қилиш учун 13 та лойиҳани амалга оширишга 69,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланади.

Ўтган даврда Шаҳрихондаги «Антекс», «Олтинкўл текстиль» ҳамда «Инвестекс» қўшма корхоналарига умумий қиймати 5,8 миллион АҚШ долларилик инвестициялар тўғридан-тўғри жалб этилди. Натижада юзлаб ёшлар доимий иш билан таъминланди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Фарғонадаги Аҳмад ал-Фарғоний номидаги вилоят кутубхонасига юртимизда фаолият кўрсатаётган нашриёт матбаа-ижодий уйларининг ноширлари ўз туҳфалари билан келишди. Бу учрашув мактаб ва коллеж ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари учун чинакам мутолаа байрамига айланиб кетди.***

### Фарғонада мутолаа байрами

Шу ернинг ўзида умумтаълим мактаблари ва коллежлар учун ўқув-услубий қўлланмалар ҳамда бадиий адабиётлар кўргазма-ярмаркаси ташкил этилди.

Тадбирда "Маънавият", "Ўзбекистон", "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси", "Шарқ", "Чўлпон", "Ўқитувчи", "Ғафур Ғулом" номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйларида чоп этилган энг сўнгги нусхадаги дарсликлар, маънавий-маърифий мавзудаги китоблар ва бадиий адабиётлар тақдимоти бўлиб ўтди. Мазкур ижодий жамоаларнинг дунё миқёсидаги нуфузли кўргазмаларда совриндор бўлган китоблари йиғилганларда, айниқса, катта қизиқиш уйғотди.

**Набижон СОБИР,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

***Жондор туманининг Лоло қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги автомат телефон станциясининг янгиланиши туфайли яна элликта хонадон замонавий алоқа хизматидан фойдалана бошлади.***

### Қишлоқдан қўнғироқ

Бу ерда «ATSK-100/2000» русумли янги телефон станцияси ўрнатилди. Натижада станция 200 номердан 400 номергача кенгайди.

Президентимизнинг шу йил 21 майда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида яқин икки ой ичида Бухоро вилоятидаги 24 та қишлоқда «ДТС-1100А» русумли, 13 та аҳоли яшаш пунктида эса «СГМ» русумли автомат телефон станцияси фойдаланишга топширилади.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЗАМИРИДА ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР ВА АДОЛАТ МУЖАССАМ

## Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бўритош МУСТАФОЕВ билан суҳбат

*Мустақиллик йилларида мамлакатимизда судларни жазоловчи ва фақат давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи органдан қонун устуворлигини ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи органга айлантиришга қаратилган яхлит суд ҳокимияти тизимини шакллантириш вазифаси қўйилди ва муваффақиятли ҳал этилмоқда. Конституциявий суд, Олий суд, умумий юрисдикция судлари, хўжалик судлари жорий этилди. Жиноят, жиноят-процессуал, суд-ҳуқуқ ва бошқа йўналишларнинг қонунчилик асосини ташкил этувчи база яратилди.*

*Шунингдек, ўтган даврда жиноий жазо тизимини эркинлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам улкан ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг 75 фоизга яқини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Жиноят кодексидаги жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлиқ қопласа, суд томонидан унга нисбатан озодликдан маҳрум этиш тариқасида жазо тайинлашга йўл қўймайдиган нормалар анча кенгайтирилди.*

*Мазкур ўзгаришлар қабул қилинганидан сўнг судларнинг озодликдан маҳрум этиш борасидаги жазони тайинлаши 2007 йилда 2000 йилга нисбатан қарийб 20 фоизга камайди. Шунингдек, ярашув институти жорий этилгани ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.*

*Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси Бўритош МУСТАФОЕВ билан мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатлари ҳимоясини кўзлаб амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида суҳбатлашдик.*

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги изчил ислоҳотларнинг бош мақсади — Конституциямизда, қонунларимизда ва умумэътироф этилган халқаро нормаларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, унинг ҳаёти, дахлсизлиги, қадр-қиммати ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини шакллантиришга қаратилган, — дейди Б.Мустафоев. — Амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар, хусусан, ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ жараён замирида улкан инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойили мужассам. Шу билан бирга Ўзбекистонда ўлим жазосини қўллашга доир жиноят қонунчилиги сиёсати жаҳонда кечаётган жараёнларга тўлиқ мос, Конституциямиз моҳиятидан келиб чиқадиган инсонпарварлик тамойилини ўзида тўла акс эттиради. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, инсонга, унинг Парвардигор ато этган ҳаётига ҳамиша буюк неъмат сифатида қараб келган халқимизнинг маънавий қадриятлари ҳам шуни тақозо этади.

Президентимизнинг 2005 йил 1 августда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги фармони давлатимизнинг бу борадаги сиёсатининг амалий ифодаси бўлиб, инсонийлик ва бағрикенгликнинг юксак намунаси сифатида нафақат халқимиз, балки жаҳон жамоатчилиги томонидан катта хайрихоҳлик билан кутиб олинди.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилишини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

Мажлисда таъкидланганидек, Жиззах вилоятининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ногиронларга "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармон ва қарорлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ижтимоий ёрдам бериб келаётир. 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра вилоятда 29548 нафар ногирон ҳисобга олинган бўлиб, шуларнинг 5293 нафарини 16 ёшга тўлмаган болалар, 10202 нафарини болаликдан ногирон, 16 ёшдан ошганлар ташкил этади. Вилоят ижтимоий таъминот органларида 658 нафар уруш ногирони ва уларга тенглаштирилганлар, 124 нафар Афғон уруши ногирони, 180 нафар Чернобиль АЭСда юз берган ҳалокат ногирони, 682 нафар ёлғиз ва қаровчисиз қолган ногирон ҳисобда туради. Вилоятда Ногиронлар жамияти, "Арнасой қадрияти" шўъба корхонаси, Байналмилалчи жангчилар ассоциацияси, кар-соқов ва кўзи ожизлар жамияти иш олиб бормоқда.

"Ижтимоий ҳимоя йили" вилоят дастурига мувофиқ 2007 йил мобайнида сарфиёти 19 миллиард сўмликдан ортиқ тадбирларни амалга ошириш мўлжалланган. Жиззах шаҳридаги биринчи оилавий поликлиника ва "Меҳрибонлик уйи", Зомин тумани марказий касалхонаси ва "Мурувват уйи", кар-соқов ва қулоғи оғир болаларнинг вилоят мактаб-интернатлари, Мирзачўл туманидаги қозоқ мусиқали драма театри бинолари таъмирланди ҳамда техник воситалар, ускуналар, мебеллар билан жиҳозланди. "Саломатлик-2" дастурини амалга ошириш доирасида 83 та қишлоқ врачлик пунктларига тиббиёт ускуналари ва мебеллар ажратилди. Ногиронларни касбий қайта тиклаш ва ишга жойлаштириш юзасидан собитқадам иш олиб борилмоқда, уларга ногиронлар аравачалари, эшитиш аппаратлари, компьютерлар, дори-дармонлар ажратилди, шунингдек бепул тиш протезлари ва кўз қорачиқлари қўйиб берилди.

Ногиронликнинг олдини олиш, тиббий, профессионал ва ижтимоий тиклаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар натижасида вилоятда ногиронлар сони камайиб бормоқда. Чунончи, 2006 йилда 29924 нафар ногирон ҳисобда турган бўлса, 2007 йилда уларнинг сони 29548 нафарни ташкил этди.

Шу билан бирга қўшма мажлис иштирокчилари "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этиш ишларини изчиллик билан давом эттириш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар.

Масалани биргаликда муҳокама қилиш асносида сенаторлар, халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг депутатлари, мутахассислар ва ижтимоий соҳа ходимлари томонидан ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг самарадорлигини янада оширишга, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давр талабларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштиришга қаратилган қатор таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Муҳокама якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг қўшма қарори қабул қилинди.

Қўшма мажлис ишида сенаторлар, халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгаши депутатлари, мутахассислар, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Жиззах вилоят ногиронлар жамиятлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

**(ЎзА)**

# ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЗАМИРИДА ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР ВА АДОЛАТ МУЖАССАМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

**— Жазо тизимидан ўлим жазосининг чиқариб ташланаётгани улкан тарихий воқеа сифатида эътироф этилмоқда. Бу борада қабул қилинган қонун келгуси йилнинг биринчи январидан кучга киради. Жамоатчиликни бу борада амалга оширилаётган ишлар қизиқтириши табиий.**

— Аввало шуни таъкидлаш жоизки, мана шундай тарихий воқеалар ҳақида фикр юритганда мустақилликнинг қадр-қиммати янада яққолроқ намоён бўлади. Нега деганда, фақат истиқлол шарофати билан юртимизда инсон ҳаёти, унинг ҳуқуқи олий қадрият даражасига кўтарилди. Жиноят қонунчилигининг инсон манфаатларига хизмат қилишини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар бугун ўз самарасини бермоқда. Хусусан, жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари, жиноий жазо тизимини изчиллик билан босқичма-босқич либераллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар жамиятимиз муҳитини соғломлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Ўлим жазосини бекор қилишга оид жараён юртимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг яна бир амалий самараси эканини эътироф этиш лозим. Чунки халқаро миқёсда ҳамон баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган, аммо инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг узвий бир қисми саналган ўлим жазосини бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилиш ўта масъулиятли иш. Бунинг учун жамият ва фуқароларни мазкур масалага ҳар томонлама тайёрлаш ҳамда бошқа кўплаб зарур чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади. Эътиборли жиҳати шундаки, мамлакатимизда ўлим жазосини қўллашнинг босқичма-босқич камайтирилиши ва ниҳоят, уни қўллашдан бутунлай воз кечилиши суд-ҳуқуқ тизимини, жиноий жазоларни либераллаштириш борасида амалга оширилаётган жараёнларнинг муҳим йўналиши бўлди.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши аҳоли орасида кенг тушунтириш ишлари олиб боришни, биринчи навбатда, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида қилинган ва қилинаётган ҳаракатларнинг моҳиятини тушунтиришни, жиноий жазоларни янада либераллаштириш, шу жумладан, ўлим жазосини бекор қилиш заруратини фуқароларимиз онгу шуурига сингдиришни тақозо этар эди. Тегишли вазирлик, ташкилот ва идоралар, жумладан, судлар томонидан Президентимизнинг Фармонида қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида зарур чора-тадбирлар белгиланиб, изчил амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисида ушбу жараённинг қонуний асослари янада мустаҳкамланди. "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуннинг сенаторлар томонидан маъқуллангани бу фикрнинг исботидир.

Айтиш керакки, ушбу қонун давлатимиз раҳбарининг қайд этилган фармони ижросини таъминловчи асосий меъёрий ҳужжатдир. Қонунчилигимизга жиноий жазолар тизимидан ўлим жазоси чиқариб ташланиб, унинг умрбод ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилишини таъминлайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Қабул қилинган қонунда ана шу жазоларни тайинлаш, ижро этиш тартиби белгилаб берилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 29 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойиши бу борада амалга оширилган ишлар самарадорлиги таъминланишида муҳим омил бўлди. Шу асосда ўлим жазосини бекор қилишга оид ислоҳотлар моҳияти аҳолига атрофлича тушунтирилгани ва олиб борилган кенг қамровли тадбирлар натижасида бу борада меъёрий ҳужжатларнинг қонун даражасида мустаҳкамланиши учун замин яратилди.

Қисқаси, 2008 йил 1 январдан мамлакатимизда ўлим жазоси умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилади ва у фақат икки турдаги жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинланади. Бунда жазонинг мазкур тури хотин-қизларга, 18 ёшга етмаган ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланмайди.

**— 2008 йил 1 январдан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши шахс дахлсизлигини таъминлаш йўлида муҳим қадамлардан бири бўлди. Албатта, бундай катта тадбир муайян тайёргарликни тақозо этади. Айтмоқчиманки, судларимиз бунга тайёрми, тегишли тайёргарлик ишлари ниҳоясига етдими?**

— Президентимизнинг 2005 йил 8 августда қабул қилинган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармони асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуни билан 2008 йил 1 январдан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши, уни амалга оширишнинг аниқ процессуал-ҳуқуқий механизмини яратиш, жиноят процессининг судгача бўлган босқичида жиноий таъқиб қилинадиган фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатига айланади. Бу терговчи ва прокурорларнинг эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни қўллашда жавобгарлигини кучайтириш, суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, шахснинг конституциявий ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга хизмат қилади.

Албатта, бу муҳим сиёсий тадбир суд-ҳуқуқ соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир масъул ходимдан тегишли тайёргарликни талаб қилади. Шу маънода бевосита тайёргарлик ишлари ҳақида гапирадиган бўлсак, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судлар ваколатига ўтказиш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (20), "Судлар тўғрисида"ги (2), "Прокуратура тўғрисида"ги (1) ва бошқа қатор қонун ҳужжатларига пухта ишлаб чиқилган тегишли ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритилди.

Айниқса, бу борада хорижий тажриба ўрганиб, чуқур таҳлил қилинди, суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар тизимида кадрларни тегишли тартибда тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тадбирлари ўтказилди. Бундай ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, қабул қилинган қонунга мувофиқ, ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги қатъий белгилаб қўйилди.

2007 йил июль ойида барча вилоятлар марказларида кенг жамоатчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари иштирокида ушбу масала бўйича кенгайтирилган ўқув-семинар машғулотлари ўтказилди. Ушбу йиғилишлар давомида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасига оид қонун нормаларини қўллаш масаласида йиғилиш иштирокчилари томонидан 120 га яқин савол, таклиф ва фикр-мулоҳаза билдирилди.

Масаланинг ўта муҳим ва долзарблигини инобатга олган ҳолда суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судлар томонидан мазкур қонунни тўғри қўллашни таъминлаш, судлар томонидан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий, процессуал механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда ягона суд амалиётини йўлга қўйиш мақсадида Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Адвокатлар уюшмаси ҳамда Тошкент давлат юридик институти вакилларидан иборат таркибда ишчи гуруҳи тузилди.

Таъкидлаш лозимки, ишчи гуруҳи томонидан мазкур масалага оид тайёргарлик ишлари тўрт ойдан кўпроқ вақт давомида олиб борилди. Шу муддат ичида Олий суднинг жорий йилнинг 14 ноябрида бўлажак Пленуми қарори лойиҳаси бир неча вариантда ишлаб чиқилиб, олимлар ва амалиётчиларга, шунингдек, тегишли давлат идораларига юборилиб, зарур таклифлар, фикр ва мулоҳазалар олинди.

Бу масалада айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати, Қонунчилик палатаси Суд-ҳуқуқ масалалари қўмиталари, Бош прокуратура, Ички ишлар, Адлия вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Адвокатлар уюшмаси ҳамда Тошкент давлат юридик институти ходимлари томонидан кўплаб амалий таклиф ва мулоҳазалар билдирилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Қайд этилган тадбирларнинг бари давлатимиз раҳбарининг фармонида белгиланган вазифаларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишга хизмат қилади.

**— Судьяларнинг ўлим жазосини бекор қилиш, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш борасидаги билим ва кўникмаларини шакллантириш юзасидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармонларининг ижросини таъминлаш юзасидан қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, биринчи навбатда амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ишлари белгиланган режа асосида ниҳоясига етказилди. Бундан ташқари жиноят ишлари бўйича судлар судьяларини бу муҳим масалага тайёрлаш бўйича ҳам бир қатор тадбирлар кўрилди. Жумладан, Республика юристлар малакасини ошириш марказида қамоққа олишга санкция бериш масалалари юзасидан жиноят ишлари бўйича вилоят, туман ва шаҳар судлари судьяларини ўқитишнинг махсус дастури Олий суд раҳбарияти билан биргаликда ишлаб чиқилди. Ўқув дастури фуқароларни ушлаш, қамоққа олиш ва сақлашга оид халқаро нормаларни ҳам ўз ичига олган. Тингловчилар Франция, Германия ва Ҳамдўстлик давлатларидаги ушбу масалага тегишли амалиёт билан ҳам танишдилар. Шунингдек, улар вояга етмаганларга, хотин-қизларга, фуқароларнинг ўзини ҳимоя қила олмайдиган баъзи тоифаларига нисбатан қамоққа олишга санкция бериш билан боғлиқ ишларнинг хусусиятларини ҳам ўрганди.

Ўқитиш нафақат илмий-назарий асосда, балки Тошкент шаҳар прокуратураси ва суд органларида амалий машғулотлар ўтказиш орқали ҳам амалга оширилмоқда.

Қамоққа олишга санкция бериши лозим бўлган жиноят ишлари бўйича судларнинг судьялари 2007 йилнинг бошидан буён Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Республика юристлар малакасини ошириш марказида тегишли дастур асосида таҳсил олмоқда.

**— Бўритош Мустафоевич, судларнинг бугунги фаолияти, улар томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Аввало шуни айтиш керакки, бугунги судлар фаолиятида мамлакатимизда соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг аниқ самарасини кўриш мумкин.

Шу ўринда фуқаролик ишлари бўйича вилоят, туманлараро судларининг 2007 йилнинг 9 ойидаги фаолияти натижалари бўйича статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан жорий йилда 81 минг 800 дан кўпроқ иш кўрилган. 2006 йилнинг 9 ойи давомида туманлараро суднинг ҳар бир судьяси ўртача 280 иш кўрган бўлса, 2007 йилнинг 9 ойи натижалари бўйича ушбу кўрсаткич 314 тани ташкил этди.

Кўриб чиқилаётган фуқаролик ишларининг деярли 10 фоизини тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши билан боғлиқ ишлар ташкил этади. Жорий йилнинг 9 ойи давомида фуқаролик ишлари бўйича вилоят, туманлараро судлари бундай тоифадаги 328 ишни кўриб чиққан. Шулардан 324 та даъво қаноатлантирилиб, жами 54 миллион 918 минг сўмлик моддий зарар, 7 миллион 45 минг сўмлик маънавий зарар ундирилган.

Айтиш керакки, жорий йилнинг 9 ойи давомида коммунал ва эксплуатацион хизматлар бўйича кўрилган ишлар сони деярли 297 мингни ташкил этди. Ушбу ишлар бўйича судларнинг ҳал қилув қарори билан ундирилиши белгиланган маблағ 45 миллиард 660 миллион сўмдан ортиқдир.

Суд тизими ходимлари ҳуқуқий тарғибот масалалари билан ҳам фаол шуғулланмоқдалар. Шу йилнинг ўтган даврида Фуқаролик ишлари бўйича республика судлари судья ва ходимлари томонидан корхона ва ташкилотларда, аҳоли ўртасида, ўқув муассасаларида 1,5 мингдан ортиқ лекция, суҳбат, учрашув ўтказилди, радио ва телевидениеда 168 марта чиқиш қилиниб, даврий нашрларда 285 мақола чоп этилди.

Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турлари кенг қўлланилмоқда, 2007 йилнинг 9 ойи давомида умумий судланганларнинг 33,4 фоизига ахлоқ тузатиш иши, 18,2 фоизига — жарима, 11,3 фоизига — шартли равишда ҳукм этиш, 8,5 фоизига муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш жазолари тайинланган. Либерализация тўғрисидаги қонун амалга киритилган кундан 2006 йилнинг 31 декабрига қадар жиноят оқибатида етказилган 33 миллиард 21 миллион сўмдан ортиқ моддий зарар қопланганлиги туфайли 8 минг 833 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди. Жорий йилнинг 9 ойи давомида 9,9 миллиард сўмликдан ортиқ моддий зарарни қоплаган 874 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

Ярашув институти амалиётга жорий этилган кундан 2006 йилнинг 31 декабрига қадар 54 минг 323 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилган бўлса, жорий йилнинг ўзида 7 минг 748 нафар шахс ярашув институти қўлланилиши муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида инсон манфаатларини, энг аввало, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бераётган юксак самаралардандир.

**ЎзА мухбири Қ. ОЧИЛОВ суҳбатлашди.**

# КООПЕРАТИВ БИРЖА САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!



***Кейинги йилларда мамлакатимизда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг мустақиллигини ҳамда уларнинг ишончли ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш борасида муайян чора-тадбирлар кўрилмоқда. Айниқса, Президентимиз томонидан республика ҳукуматининг 2007 йил 12 февралдаги йиғилишида белгилаб берилган устувор йўналишларга мос равишда иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва бозор ислоҳотларини жадаллаштиришга йўналтирилган ишлар изчиллик билан амалга оширилаётгани ўз самарасини бераётир.***

Мисол учун, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 19,8 фоизга ўсди. Бу ҳол, ўз навбатида, чакана товар айланмаси тегишли даврда 18,4 фоиз ошишига замин яратди. Ана шу ижобий кўрсаткичларга, албатта, асосий саноат тармоқларини ривожлантириш, корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, шунингдек, йирик сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш туфайли эришилганини айтиб ўтиш лозим.

▼ **Тадбир**

Шу йил 12-17 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" павильонларида ўтадиган биринчи республика саноат ярмаркаси ва кооператив биржа савдолари бу борадаги ютуқларни янада кўпайтиришга хизмат қилади. Чунки унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 34 та хўжалик бирлашмаси, шунингдек, мулк шакли турлича бўлган 200 дан зиёд ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектлари иштирок этиши кутилмоқда.

Ташкилотчиларнинг маълум қилишича, бу тадбирни ўтказишдан мақсад — тармоқлараро ишлаб чиқариш кооперациясини кенгайтириш, алоқаларни мустаҳкамлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш, йирик саноат корхоналари билан кичик бизнес субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш, шунингдек, биргаликда маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш, сотиб олиш бўйича келишувларга эришиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш туфайли импорт ўрнини босувчи бутловчи қисмлар, маҳаллий хом ашёдан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган маҳаллий корхоналар фаолияти билан иштирокчиларни яқиндан таништиришдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, ярмарка давомида ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар олди-сотдиси бўйича шартномалар имзолаш учун тўлиқ имконият ҳам яратилади. Мазкур тадбирнинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, 34 та корхона ўз маҳсулотлари бўйича илк бор тақдимот маросимини ҳам ўтказади. Шунингдек, кичик бизнес субъектлари билан ўзаро ҳамкорлик борасида янги таклифларни олға суради.

Қувонарлиси шундаки, тадбир иштирокчилари қаторида бирмунча вақт аввал инқироз ёқасига келиб қолган, давлатимизнинг кенг кўламли ёрдами билан эндиликда иқтисодий юксалишга юз тутган корхоналар ҳам бор.

Мавриди келганда, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга йўналтирилган Маҳаллийлаштириш дастурининг изчил ижроси туфайли жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида мазкур дастур доирасида 1721,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилганини, бу 2006 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,6 баравар кўп эканлигини таъкидлаб ўтишни истардик. 163 та корхонада амалга оширилаётган 270 та лойиҳа шарофати туфайли эса 611,8 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳажми 1373,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Кўриниб турибдики, бошланажак биринчи республика саноат ярмаркаси ва кооператив биржа савдолари давомида томонлар ўртасида маҳсулотлар олди-сотдиси бўйича кўплаб битимлар имзоланади, биржа савдолари эса қизиғандан қизийди.

Ярмарка ва кооператив биржа савдоларига марҳамат!

**Икром ЎТБОСАРОВ, Саидолим ҲАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбирлари.**

# ЎЗБЕК «ТУЛПОР»ЛАРИНИНГ ШУҲРАТИ ОРТМОҚДА



*Ўзбекистон мустақиллик йилларида машинасозлиги ривожланган давлат сифатида дунёда ном қозонди. Асакадаги "ЎзДЭУавто" корхонасида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар қаторига яна учта — "Тасита", "Epica", "Captiva" моделидаги замонавий, тезюрар ва сифатли машиналар қўшилгани ўзбек автоуловлари шуҳратини янада оширди.*

*Айни пайтда "Самарқандавтосавдо" масъулияти чекланган жамияти дўконида ушбу моделдаги автомашиналар сотувга қўйилди. Харидорларга қулайлик яратиш мақсадида олди-сотди операцияларини расмийлаштириш, биринчи техник хизмат кўрсатиш ишлари шу ернинг ўзида амалга оширилмоқда.*

*Вилоят "Автотеххизмат" акциядорлик жамияти томонидан мижозларга яна бир енгиллик — Самарқандда ишлаб чиқарилаётган "Исузу" русумли автобус ва юк машиналари лизинг асосида сотила бошланди. Бу эса мижозлар сонининг янада ортишига хизмат қилаётир.*



**СУРАТЛАРДА:** техник хизмат кўрсатувчи Фаррух Жуманов; сотувга чиқарилган "Исузу" русумидаги автобус ва юк машинаси.

**Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# ЮКСАЛИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

***Бугун юртимизнинг қайси минтақасини олмайлик, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, янада чирой очаётгани, давлатимизнинг куч-қудрати ва салоҳияти ортиб, иқтисодиётимизнинг тез суръатлар билан ўсиб бораётгани, ижтимоий-маънавий ҳаётимизда ва бошқа соҳаларда қўлга киритилаётган салмоқли ютуқлар кўзга ташланмоқда.***

Эришилаётган муваффақиятлар мамлакатимизнинг ҳуқуқий ва демократик жамият қуриш йўлидан дадил одимлаётганини кўрсатади. Аҳолининг турмуш даражаси йил сайин ошиб бораётганлиги, фермерлик ҳаракати, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар, бюджет ва солиқ тизимидаги ислоҳотлар барча-барчаси мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишида мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитасининг 2007 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари бўйича яқинда матбуотда чоп этилган ҳисоботи ҳам юқоридаги фикрларни яна бир бор тасдиқлайди.

Сарҳисобда эътироф этилишича, Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган устувор йўналишларга мос равишда иқтисодиётни янада ривожлантиришга ва бозор ислоҳотларини жадаллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилган. Натижада, мамлакатимиз бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажми 109,8 фоизга ўсган. Айниқса, иқтисодий ўсишнинг юқори суръати аҳолини иш билан таъминлашда, реал даромади ва умуман турмуш даражасининг юксалишида муҳим омил бўлди. Аҳоли тасарруфидаги реал пул даромадлари 22 фоизга, ўртача ойлик иш ҳақи эса 49 фоизга ўсди. Аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастурига мувофиқ жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида иқтисодий соҳанинг барча жабҳаларида 489,8 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Демак, қанчадан-қанча одам жамиятда ўз иш ўрнига эга бўлиб, фаол фуқарога айланди.

▼ **Таҳлил**

2007 йилги истиқбол кўрсаткичлари ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишлари белгиланишида эътибор, аввало, мамлакатни модернизация қилиш ва демократик янгилаш, жамиятни эркинлаштириш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янада чуқурлаштириш заруриятидан келиб чиққан ҳолда иш олиб боришга қаратилган эди.

Шу талаблардан келиб чиққан ҳолда иш олиб борилиши иқтисодиётда тадбиркорлик ва инвестициявий фаолликнинг ошиши микроиқтисодий прогноз кўрсаткичларига эришиш имконини берди. Ҳатто баъзи соҳаларда ривожланиш прогноз кўрсаткичларидан анча юқори бўлди. Ялпи ички маҳсулот таркибида саноат маҳсулотлари 11,9 фоиз, асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар 31,3 фоиз, чакана савдо айланмаси 18,4 фоиз, пуллик хизматлар 25,2 фоиз, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 3,5 фоиз, экспорт 41,8 фоизга ўсиши таъминланди.

Ушбу ҳисобот якунларининг ўзига хос жиҳатларидан бири шуки, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулкка эгалик ҳуқуқини мустаҳкамлашга қаратилган чораларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий сармояларни жалб қилишга ўз ижобий таъсирини кўрсатди.

Тўққиз ой давомида ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестицияларнинг умумий инвестиция ҳажмидаги салмоғи 67 фоизни ташкил этди. Натижада жорий йилда муҳим аҳамиятга эга бўлган Тошгузар–Бойсун–Қумқўрғон темир йўлида поездларнинг дастлабки ҳаракати йўлга қўйилди, "Зеварда" конида компрессор станцияси қурилиши ниҳоясига етказилди, "Лукойл" компанияси билан ҳамкорликда "Хаузак" конида табиий газни қазиб олиш ишларини йўлга қўйиш якунланмоқда.

Миллий иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳияти жадал ривожланиб, тобора рақобатга бардошли бўлиб бораётганини ҳам асосий ютуқларимиздан бири сифатида эътироф этишимиз мумкин. Ўтган 9 ойда фаол ташқи савдо сиёсати олиб борилиб, ташқи савдо айланмасининг 27,1 фоизга ўсиши таъминланди. Экспорт умумий ҳажмида хом ашё бўлмаган товарлар улуши 2006 йилнинг 9 ойида 71,6 фоиз ўрнига 74,4 фоизни, ўсиш суръати эса 167,8 фоизни ташкил этди.

Енгил саноат тармоқлари, шу жумладан, тўқимачилик саноати, хом ашёни қайта ишлаш тармоқлари мамлакатимизда бой манбаларга ва аҳолини иш билан таъминлаш бўйича катта салоҳиятга эга. Ўтган 9 ой давомида тўқимачилик саноатида Дастурга киритилган 66 та корхонадан 34 тасида техник модернизациялаш ишлари якунланди ва экспортбоп тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тўқимачилик соҳасидаги 20 та корхонада молиялаштириш ишлари бошланди, қурилиш ва жиҳозларни етказиб бериш ишлари якунланмоқда.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, кичик бизнес ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдирадиган, иқтисодиётнинг таркибий негизини белгилаб берадиган энг муҳим сектор ҳисобланади. Шунингдек, ушбу сектор аҳолини иш билан таъминлашда ва уларнинг даромадларини оширишда энг асосий омил ва манба бўлиб хизмат қилади.

Жорий йилда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва улар учун қулай шарт-шароит яратиш йўлида бирмунча ишлар амалга оширилди. Чунончи, шу йилнинг 9 ойи мобайнида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича эришилган салмоқли натижалар буни яққол исботлаб турибди.

Табиийки, бундай ютуқларга ўз-ўзидан эришилмайди. Комил ишонч билан айтамизки, мамлакатимизнинг изчил ва барқарор суръатлар билан ривожланаётганининг асосий омили ва пойдевори — бу, халқимизнинг, одамларимизнинг сиёсий савияси ўсаётганлиги, уларнинг ўзгариб бораётган дунёқараши, ҳаётга, меҳнатга муносабати ва мулкка эгалик ҳисси тобора ортиб бораётганлигидадир.

**Баҳодир ҲАСАНОВ, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Уйда ўтирган тинчроқ



***Покистондаги мухолифатчилар етакчиларидан бири, мамлакатнинг собиқ бош вазири Беназир Бхутто уй қамоғига маҳкум этилди.***

Расмий манбалардан олинган хабарларга қараганда, сиёсатчи хонимнинг Исломободдаги уйи атрофини полиция қуршаб олган. Маҳаллий матбуотда ёзилишича, Бхуттонинг жамоат жойларида қилаётган чиқишлари терактлар содир бўлиш хавфини кучайтириши сабабли мамлакат ички ишлар вазирлиги шундай қарор қабул қилган. Сўнгги бир неча кун давомида мамлакат хавфсизлик кучлари 5 минг нафарга яқин одамни қамоққа олди.

## Шахтада портлаш

Хитойнинг жанубида жойлашган Гуйчжоу музофотидаги кўмир шахтасида рўй берган портлаш оқибатида камида 29 киши ҳалок бўлди. Бундан ташқари, яна 6 нафар кончининг тақдири ҳозирча номаълум. Манбада айтилишича, фожиа рўй берган пайтда шахтада 86 киши бўлган. Тезкор қутқарув гуруҳи уларнинг 52 нафарини юқорига чиқариб олишга муваффақ бўлган. Кончилардан бири кучли жароҳати туфайли ҳалок бўлди. Айни пайтда воқеа сабаблари ўрганилаяпти.

## Давлат қарзи 9 триллион доллар



АҚШ давлатининг қарзи 9 триллион долларга етди, дея хабар тарқатди «Associated Press» ахборот агентлиги. Мамлакат ҳукумати техник дефолтдан қочиш мақсадида қарз миқдори ҳажмини ошириб бормоқда. Мамлакатнинг амалдаги президенти Жорж Буш даврида давлат қарзи миқдори беш марта кўпайди. Буш маъмурияти бу ҳолатни 11 сентябрь воқеаларидан сўнгги иқтисодий беқарорлик билан изоҳламоқда.

Бундан ташқари, давлат бюджети тақчиллиги 162,8 миллиард долларни ташкил этмоқда.

## Қурилмасдан қулади

Дубайда қурилаётган янги кўприкнинг қулаб кетиши оқибатида 7 киши ҳалок бўлди, 15 киши турли даражада жароҳатланди. Ушбу фожиа Дубайнинг қирғоқ бўйида жойлашган туманида содир бўлди. Воқеа рўй берган пайтда кўприкда 40 нафар қурувчи бўлган. Маҳаллий полиция вакилининг сўзларига кўра, хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмаслиги шундай ҳолатни келтириб чиқарган бўлиши мумкин.

## Саркозининг мурожаати

**Франция Президенти Николя Саркози АҚШ Конгрессига мурожаат қилиб, доллар курсининг пасайишига қарши жиддий чоралар кўришга чақирди.**

Унинг сўзларига кўра, бу ҳолатга эътиборсиз қараш иқтисодий урушнинг кучайиб кетишига олиб келади ва оқибатда ҳамма унинг қурбонига айланади. Саркози қадрсиз доллар бошқа муаммоларни ҳал қилишга қодир бўлмай қолишини таъкидлади. Николя Саркози евро курсининг ҳар 10 центга кўтарилиши туфайли биргина «Airbus» компанияси миллиардлаб еврони бой бераётганини хавотир билан билдириб ўтди.

## Янгисига нима етсин



**Гонгконгнинг «Cathay Pacific Airways» авиакомпанияси «Boeing» корпорациясидан 17 та самолёт сотиб олиш юзасидан шартнома имзолади.**

Келишув қиймати 5,2 миллиард долларга баҳоланмоқда. Самолётлар 2009-2012 йиллар оралиғида етказиб берилади. Компания янги самолётлар олиш билан Хитойда авиақатновлар сонини кўпайтиришни ва эски лайнерларни алмаштиришни режалаштирмоқда.

## Етти ёшли абитуриент

**Сингапурлик етти ёшли вундеркинднинг ота-онаси ўз фарзанди илмга қизиқишини йўқотмасдан туриб университетлардан бирида ўқишини хоҳламоқда.**

Айнан Селесте Колей ҳозирда бошланғич синфда ўқияпти. У химия соҳасида тадқиқотлар олиб борувчи олим бўлмоқчи.

Айнан Селесте 6 ойлигидан бошлаб юра бошлаган эди. Бир ёшга тўлганда эса катталардек фикрлай бошлади. Уч ёшда эса ўта мураккаб расмлар чизишга қўли келарди.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

*Жан-Бернар Арт:*

# «ЎЗБЕКИСТОНДАН МУҲАББАТ ВА ДЎСТЛИК ТУЙҒУЛАРИ БИЛАН ҚАЙТМОҚДАМАН»

*Мамлакатимиздаги дипломатия фаолияти ниҳоясига етгани муносабати билан Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жан-Бернар Арт ўз ватанига қайтиши олдидан «Жаҳон» ахборот агентлигининг мухбири билан мулоқотга бажонидил рози бўлди. Қуйида ушбу суҳбат эътиборингизга ҳавола этилмоқда.*

**— Ҳурматли элчи жаноблари, Сиз Ўзбекистонда фаолият кўрсатган давр ичида жамиятимизнинг турли жабҳаларида кенг кўламли ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилди. Сиз уларни қандай баҳолаган бўлар эдингиз?**

— Мен Ўзбекистонда қарийб уч ярим йил ишладим. Бу давр мобайнида мамлакатингизда рўй бераётган кўплаб ижобий ўзгаришларнинг бевосита шоҳиди бўлдим. Ўзбекистон бугун шитоб билан ривожланиб бораяпти, изчил ислоҳотлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барча қирраларида ўз ифодасини топмаяпти. Мен ўзбек шаҳарлари ва республика пойтахти – Тошкентнинг қиёфаси шундоқ кўз ўнгимизда қандай ўзгарганини кузатиш имкониятига эга бўлдим. Бугун у бундан бир неча йил олдинги қиёфасига нисбатан янада гўзал ва замонавий кўриниш касб этган. Тилагим шуки, бой минерал-хом ашё захираларига, улкан иқтисодий салоҳиятга эга бўлган, юксак инсонпарварлик ғоялари руҳида тарбия топган Ўзбекистон халқи бундан ҳам юксак тараққиётга эришсин.

Ўзбекистон ҳукуматининг ҳуқуқий демократик давлат қуриш, кенг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни ўтказишга йўналтирилган чора-тадбирларини Францияда қўллаб-қувватлашади. Жумладан, дунёнинг кўпгина мамлакатлари сингари Франция ҳам Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан илгари сурилган ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги қонунни қўллаб-қувватлади.

**— Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг, хусусан, иқтисодий, маданий ва гуманитар соҳалардаги алоқаларнинг бундан кейинги истиқболлари тўғрисидаги фикрларингизни ўртоқлашсангиз...**

— Биз бугунги кунларда Ўзбекистоннинг қай даражада барқарор ўсувчанлик билан тараққий топаётганини, мамлакат ҳукумати томонидан иқтисодиёт, илм-фан ва маданиятни ривожлантиришга улкан эътибор қаратилаётганини кузатмоқдамиз. Шуни қайд этишни истар эдимки, бизда Франция — Ўзбекистон муносабатларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, ўзбек иқтисодиётига янги сармояларни жалб этиш учун ажойиб имкониятлар мавжуддир. Жумладан, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, кимё саноати, коммунал хўжалиги ва бошқа кўпгина соҳалардаги ҳамкорликнинг истиқболлари порлоқ, деб ўйлайман.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга, Ўзбекистонда француз тили, маданияти ва санъатини оммалаштиришга қўшган ҳиссалари учун ўзбек дўстларимга ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этишни истар эдим. Бундан кейин ҳам халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва ишонч руҳига йўғрилган алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш юзасидан фаолиятимизни биргаликда давом эттиришимизга бўлган ишончимни билдиришни истар эдим.

**— Мамлакатимиздан қандай таассуротлар билан юртингизга қайтмоқдасиз? Ўзбек халқига тилакларингиз қандай?**

— Дастлаб Ўзбекистонга элчи этиб тайинланишим менга ва рафиқамга кўп жиҳатдан кутилмаган хабар бўлди. Шу билан бирга, мен бундан ўзимни жуда хурсанд ва бахтиёр ҳис қилдим. Чунки хаёлотимдаги маҳобатли Самарқанд, Амир Темур, қўҳна Буюк Ипак йўли билан боғлиқ, бироқ ўзимга яхши таниш бўлмаган минтақа ҳавосидан бевосита баҳраманд бўлиш имконияти туғилган эди. Бугун мен Ўзбекистоннинг барча халқига нисбатан сидқидил муҳаббат ва дўстлик туйғуларим билан илиқ ва меҳмондўст мамлакатингизни тарк этаётирман. Ўзбекистон бўйлаб хизмат сафарларим чоғида ҳамма жойда ва ҳамиша ўзбек халқи томонидан кўрсатилган ўзига хос меҳмондўстлик, оққўнгиллик ва саховатни ҳеч қачон унутмайман. Ўйлайманки, ўзбеклардек қалбан бой ва меҳмондўст халқ дунёда кўп учрамайди.

Мен республикадаги институт ва университетларнинг талабалари билан кўп маротаба учрашдим. Ҳар сафар улар ўзларининг чуқур билимга эгаликлари, мулоқотга очиқликлари билан мени ҳайратга солди.

Ўзбек халқи ўзининг бағрикенглиги ва динлараро сабрлилиги билан ҳам менда доимо эҳтиром уйғотган. Ишончим комилки, Ўзбекистон келажаги буюк давлатдир.

**Ғайрат ШУКУРОВ,**
**«Жаҳон» АА.**









## Хабарлар оқимидан

### «КАМОЛОТ ШАХМАТ ТАХТАСИ» СОВРИНДОРЛАРИ

***Жиззахдаги "Ёшлар маркази"да ўсмирлар ўртасида "Камолот шахмат тахтаси" мусобақаларининг республика финал босқичи бўлиб ўтди.***

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан уюштирилган мазкур турнирда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 56 нафар ёш шахматчи иштирок этди.

14-16 ёшли шахматчилар ўртасида биринчи ўрин Самарқанд вилояти вакиллари — Шукрулла Оромов ва Мавсума Ҳамроқуловаларга насиб этди. Иккинчи ўринни қорақалпоғистонлик Жаҳонгир Еримбетов ва Гулсаур Бекмуратовалар эгаллашди. Хоразмлик Мақсуд Салиев ҳамда Назокат Бабаязовалар учинчи ўринни қўлга киритдилар.

17-18 ёшли ўсмирлар ўртасидаги баҳслар ҳам муросасиз курашларга бой бўлди. Унда Тошкент, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятлари шахматчилари кучли учликдан жой олди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

### ШАҲАРЧАДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

***Янги Марғилон шаҳарчасида 360 ўринли маиший хизмат касб-ҳунар коллежи қурилиб фойдаланишга топширилди.***

6-КМК қурувчилари бунёд этган ушбу масканда ўқув хоналари билан бирга 50 ўринли ётоқхона, ёпиқ спорт зали, ўқув устахоналари, ошхона ва ёзги спорт майдончалари мавжуд.

**М. МАҲМУДОВ.**


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ

**ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

**аспирантурасига 2007 йил учун 24.00.00 «Шарқшунослик фанлари» мутахассислигининг қуйидаги йўналишлари бўйича кундузги бўлимга қабул эълон қилади:**



24.00.01 — Диншунослик назарияси
24.00.02 — Ислом тарихи ва манбашунослиги
24.00.03 — Ислом ҳуқуқшунослиги



***Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб қабул қилинади.***
***Кириш имтиҳонлари 2007 йил 5 декабрдан бошланади.***

**Керакли ҳужжатлар:**

олий ўқув юрти ректори номига ариза, шахсий варақа, таржимаи ҳол, иш жойидан тавсифнома, мутахассислик бўйича реферат, рефератга бўлғуси илмий раҳбар томонидан ёзилган тақриз, диплом ва баҳолардан нусха, паспорт ва меҳнат дафтарчасининг нусхаси, тиббий маълумотнома (ф-У086), турар жойдан маълумотнома, фотосурат (3х4, 4 дона), конверт, тезтиккич.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Абдулла Қодирий к., 11-уй. 2-қават, 201-хона. Телефонлар: 144-00-91, 142-18-09.**


## ШЕРОБОД ЧИННИЛАРИ

***Шеробод керамика заводининг маҳсулотлари ўзига хос, бетакрор шакл касб этиб Марказий Осиёда довруқ қозонган эди.***

Аммо бир неча йиллар бурун корхонада ишлар юришмай қолди. Эндиликда узоқ муддатли ривожланиш дастури ишлаб чиқилиб, бошқарув янгиланганн туфайли, ишга муносабат ўзгарди. Натижада маҳсулотлар тури кўпайиб, сифати яхшиланди.

Айни пайтда Шеробод туманидаги «Бадиий кулолчилик» масъулияти чекланган жамияти 15 турдаги чинни, 25 турдаги сопол идишларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Корхонада 35 нафар санъат усталари меҳнат қилишмоқда. Жамоа ҳар ойда 10 миллион сўмлик чинни идишларни вилоят савдо расталарига чиқаришга муваффақ бўлаётир.

**Саид МАЛИКОВ.**


«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК

**ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**2008 йил аспирантурада кундузги шаклда ўқиш учун қуйидаги йўналишлар бўйича қабул эълон қилади:**

| | | |
|---|---|---|
| 01.02.04 | — | Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси |
| 01.02.06 | — | Машиналар, приборлар, ускуналар динамикаси ва мустаҳкамлиги |
| 03.00.16 | — | Экология |
| 05.02.01 | — | Машинасозлик материалшунослиги (тармоқлар бўйича) |
| 05.03.06 | — | Пайвандчилик технологияси ва машиналари |
| 05.01.05 | — | Локомотивлар (электровозлар, тепловозлар) ва вагонлар |
| 05.13.05 | — | Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва қурилмалари |
| 05.22.07 | — | Темир йўлларнинг ҳаракатдаги таркиблари ва поездларни юритиш |
| 05.22.08 | — | Темир йўл транспортини ишлатиш (жумладан, сигнал, марказлаштириш ва муҳофаза тизимлари) |
| 05.23.04 | — | Сув таъминоти, канализация, сув ҳавзаларини муҳофазалаш учун қурилиш тизимлари |
| 05.23.05 | — | Қурилиш материаллари ва буюмлари |
| 05.23.13 | — | Темир йўллар қурилиши |
| 05.23.15 | — | Кўприклар ва транспорт тоннеллари |
| 05.23.01 | — | Қурилиш конструкциялари, бинолар ва иншоотлар |

*Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.*

**Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: 100167, Тошкент шаҳри, Одилхўжаев кўчаси, 1-уй, ТошТЙМИ, 333-хона, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими.**

**Телефонлар: 299-05-25, 299-05-65.**

# ЭЛ САЛОМАТЛИГИ — БЕБАҲО БОЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу борадаги умумий кўрсаткич 1990 йилда 67 ёшни ташкил этган бўлса, 2006 йилда 72,5 ёшга тенг бўлди. Шуни ҳам айтиш керакки, давлатимизнинг халқ соғлиғини сақлаш тизимини ислоҳ қилиш мақсадини кўзлаб бюджетдан ажратилаётган маблағлар тобора кўпайиб бормоқда. Жумладан, 1999 йилдагига қиёслаганда 2006 йилда тиббиёт ривожи учун ажратилган маблағ ҳажми 7,4 баравар ошди. Бугунги кунда унинг умумий миқдори 480,8 миллиард сўмни ташкил этмоқда. Бу борада хорижий сармоялардан ҳам унумли фойдаланилмоқда. Ҳозирги кунда вазирлигимиз томонидан умумий ҳажми 125 миллион АҚШ долларидан ошиқ бўлган 10 та хорижий лойиҳа амалга оширилмоқда. Тиббиётдаги ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири бу тиббий хизмат сифатини ошириш учун жамиятда тиббий ходимларнинг мавқеини кўтариш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштиришдан иборатдир. Бу борада ҳам талай ишлар амалга оширилди. Кейинги икки-уч йилда соҳа ходимларининг иш ҳақи икки баробардан зиёд кўпайди.

Айниқса, ўтган йилнинг сентябрь ойида эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси шифокорлар байрами сифатида нишонланиши барчамизга руҳий куч-қувват бағишламоқда. Бу, албатта, мамлакатимиз тиббиёт ходимларига нисбатан юксак ғамхўрлик ва эътибор самарасидир. Кези келганда таъкидлаш керакки, тиббий кадрларни тайёрлаш тизими ҳам кенг қамровли ислоҳ қилинмоқда. Бунда олий тиббий таълимнинг замонавий икки босқичли тизими жорий этилганини алоҳида қайд этиш лозим. Бугунги кунда Тошкент тиббиёт академиясида ихтисослашган мутахассис кадрлар тайёрлаш билан бирга олий маълумотли ҳамширалар ҳам етишиб чиқаётгани янги бир ҳолдир.

Мана шундай шароитда Президентимизнинг шу йил 19 сентябрда «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилиниши тиббиёт соҳасида янада жиддий янгиланишлар сари ташланган қадам бўлди. Таъбир жоиз бўлса, ушбу ҳуқуқий ҳужжат соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларнинг янги босқичига тамал тоши қўяди. Зеро, бу ҳужжатда беморларга вилоят



миқёсида ягона стандартлар асосида хизмат кўрсатувчи, юқори технологиялар билан жиҳозланган кўп тармоқли тиббиёт марказлари ташкил этилиши кўрсатиб ўтилган. Ушбу Фармонга мувофиқ, ҳар бир вилоятда кўп тармоқли тиббиёт марказлари ташкил этилади. Уларда кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш мақсадида ягона даволаш ва диагностика стандартлари жорий этилиб, амалиётга татбиқ қилиш кўзда тутилмоқда. Бунинг учун услубий-амалий қўлланмалар яратиш ишлари бошлаб юборилди.

Фармон билан белгиланган йўналишлардан яна бири — бу ҳар бир вилоятда тиббий диагностика марказларини ташкил этишдир. Табиийки, ушбу марказлар ҳам замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари, малакали кадрлар билан таъминланиб, уларнинг моддий-техника базаси яхшиланади. Бошқарув органи сифатида туман тиббиёт бирлашмаси ташкил этилади. Ҳудуддаги барча тиббиёт муассасаларига ташкилий-услубий раҳбарлик қилиш унинг зиммасига ўтади. Бу эса, турган гапки, тизимнинг туман бўғинида тиббий хизматларнинг ягона стандартлар асосида олиб борилишига, энг муҳими, самарали санитария-эпидемиология назоратини йўлга қўйишга имконият яратади.

Республикада ишлаб турган тўртта тиббиёт маркази тажрибасидан келиб чиққан ҳолда янги Фармонга кўра, соғлиқни сақлаш тизимида Акушерлик ва гинекология, Педиатрия, Терапия ва тиббий реабилитация, Дерматология ва венерология, Фтизиатрия ва пульмонология ҳамда Эндокринологияга ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ташкил этилади. Бундан мақсад хизмат савиясини янада юқори даражага кўтаришдир.

Президентимиз томонидан имзоланган ушбу Фармоннинг эътиборли жиҳати шундаки, унда пуллик тиббий хизмат кўрсатувчи (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) тиббиёт муассасалари товарлар (иш, хизматлар) сотиш ҳажмларидан тушадиган даромадларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказиладиган мажбурий ажратмалар ва ягона ижтимоий тўловлардан ташқари беш йил муддатга барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан озод этилиши ҳам кўрсатиб ўтилди.

Ҳозир тизимда 1,7 мингдан ортиқ хусусий тиббиёт муассасалари ва 2,1 мингдан ортиқ якка тартибдаги шифокорлар билан бир қаторда давлат секторида вазирликка қарашли 600 дан ортиқ даволаш-профилактика муассасалари аҳолига пуллик хизмат кўрсатиб келмоқда.

Фармон қабул қилингунга қадар тиббиёт муассасалари фақат 2 йил муддатга барча солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан озод этилган эди. Табиийки, ушбу муддат улар тўлақонли ривожланиб, рақобатбардош тадбиркорлик субъектига айланишига имкон яратиши қийин. Янги имтиёз эса хусусий тиббиёт муассасалари салоҳияти янада ошишига, уларда кўрсатилаётган тиббий хизмат ривожланган давлатлар даражасига кўтарилишига замин яратади, десак тўғри бўлади.

Эътироф этиш керакки, мазкур ҳужжатда давлат муассасалари билан бир қаторда хусусий тиббиёт муассасаларини ҳам замонавий андозаларга мос биноларда ташкил этишга алоҳида урғу берилган. Зеро, уларни тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган барча асбоб-ускуналар билан таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатишни ягона даволаш-диагностика стандартларига биноан ташкил этиш замон талабидир. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, ушбу Фармон Президент томонидан сўнгги йилларда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги изчил сиёсатнинг мантиқий давоми бўлди. Умуман, тиббиёт ривожи йўлидаги бундай умумдавлат миқёсидаги ғамхўрлик тез орада ўз натижасини бериши табиий.

Ана шундай имкониятлар мустақиллик йилларида орзудан ҳақиқатга айланди. Бундан кейинги тараққиётимиз мамлакатимиз тиббиётининг барқ уриб ривожланиш даврини юзага келтиради. Бинобарин, эртанги кун ворисларининг баркамоллиги, миллатимизнинг соғлом бўлиши тиббиёт соҳасидаги ислоҳотларнинг асл мақсадидир. Бундай вазифаларнинг бажарилиши мамлакатимиздаги 71 минг нафардан зиёд шифокорлар ва 260 минг нафардан ортиқ ўрта махсус тиббиёт ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Ишончимиз комилки, ўз касб айёмларини нишонлаётган оқ халат соҳиблари эса бунинг уддасидан чиқишади.

**Феруз НАЗИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири.**

# ШИФОКОРЛАР ШАРАФЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими жорий этилиши, ҳар бир шифо маскани ҳузурида Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси ташкил қилиниши натижасида шифокорларнинг иш ҳақлари бир неча баробар ошди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан "Соғлиқни сақлаш аълочиси" кўкрак нишони таъсис этилиши эса шифокорлик касбининг мавқеи ва салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Тиббиёт ходимларининг касб байрами арафасида соҳанинг энг илғор ходимларидан бир гуруҳи ана шу нишон билан тақдирланди.

Анжуманда таъкидланганидек, бундай эътибор ва имкониятдан самарали фойдаланаётган шифокорларимиз тиббиётнинг турли тармоқларида салмоқли ютуқларга эришаётирлар. Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг юрак ишемик касалликлари бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Аброл Мансуров Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан эълон қилинган танловнинг "Йилнинг энг фаол шифокори" номинацияси бўйича совриндор бўлди.

Марғилон шаҳридаги туғруқхона дояси Клара Слиханова "Йилнинг энг фаол ҳамшираси", Бухоро вилояти болалар шифохонаси "Йилнинг энг илғор тиббиёт муассасаси" деб топилди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг концерти билан якунланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**


NURON

Сервер
PY ECO200S2A
XEON DP 5050
2 x 250G
2X 1GB ECC
DVD-RW DL

LCD Мониторлар
SCENICVIEW A17-2
SCENICVIEW E19-6
Кафолат — 3 йил



Ноутбуклар
FUJITSU SIEMENS COMPUTERS
Бахоси — 1 250 000 сўм ва ундан юкори.
Кафолат — 2 йил

Манзил: Тошкент ш., Лисунов к., 2-уй.
Тел.: 294-60-60.
Факс: 120-74-93.
www.nuron.uz
Махсулот сертификатланган.

FUJITSU COMPUTERS SIEMENS



Шахсий компьютер FSC
ESPRIMO P2511 946GZ
CPU 420/512MB/ 80 GB
Serial/DVD Serial
ATA/Linux
Кафолат — 3 йил





## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ

**ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА 2007 ЙИЛ УЧУН ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ҲОЛДА ЎҚИШ УЧУН АКАДЕМИЯ АСПИРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРАСИНИНГ ВАКАНТ ЎРИНЛАРИГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**АСПИРАНТУРАГА:**

08.00.01 — Иқтисодий назария
08.00.05 — Менежмент
12.00.02 — Давлат ҳуқуқи ва бошқарув, маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи
08.00.13 — Маркетинг
23.00.02 — Сиёсий институтлар ва жараёнлар

**ДОКТОРАНТУРАГА:**

23.00.02 — Сиёсий институтлар ва жараёнлар.
12.00.02 — Давлат ҳуқуқи ва бошқарув, маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи.

***Ҳужжатлар шу йилнинг 20 декабригача қабул қилинади.***

**Қўшимча маълумотлар олиш учун академиянинг аспирантура бўлимига мурожаат қилинг. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45-уй. Телефон: 132-60-65.**



## «Munitsipal Auksion Markazi» ташкилоти

**томонидан 2007 йил 13 ноябридан сотилгунга қадар ҳар ҳафтанинг сешанба куни соат 16.00 да қуйидаги бўш турган ва қурилиши тугалланмаган бинолар бўйича ўтказиладиган танлов савдоларига таклиф этади.**



**Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Сувчи даҳаси, Чо Мен Хи кўчасида жойлашган қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси.**
***Бошланғич баҳоси — 894 275,28 АҚШ доллари.***



**Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Бинокор қўрғонида жойлашган қурилиши тугалланмаган болалар боғчаси.**
***Бошланғич баҳоси — 126 843,89 АҚШ доллари.***



**Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Янгиобод даҳаси, Шоҳсанам кўчасида жойлашган қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси.**
***Бошланғич баҳоси — 632 401,07 АҚШ доллари.***



**Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Ғалабанинг 40 йиллиги мавзеси, 1-даҳасида жойлашган қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси.**
***Бошланғич баҳоси — 432 220,00 АҚШ доллари.***



**Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Спутник-16 даҳасида жойлашган қурилиши тугалланмаган савдо маркази биноси.**
***Бошланғич баҳоси — 209 964,80 АҚШ доллари.***



**Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Спутник-17 даҳасида жойлашган қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси.**
***Бошланғич баҳоси — 772 039,67 АҚШ доллари.***



**Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Феруза даҳасида жойлашган қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси.**
***Бошланғич баҳоси — 632 401,07 АҚШ доллари.***



**Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 19-мавзе қариялар пансионати ёнида жойлашган қурилиши тугалланмаган интернат уйи биноси.**
***Бошланғич баҳоси 553 350,94 АҚШ доллари.***



**Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ф.Хўжаев кўчаси, 29-уй манзилда жойлашган бўш турган маъмурий бино.**
***Бошланғич баҳоси — 1 976 253,34 АҚШ доллари.***

**Танлов шартлари:**

- *энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;*
- *қисқа муддат, кўпи билан 1,5 йил ичида қурилиш меъёрий қоидалари (КМК) талабларига мувофиқ қурилишни тугатиш;*
- *қурилиш ва бошқалар учун зарурий инвестицияни киритиш;*
- *объект негизида ташкил қилинадиган фаолият турини бизнес-режа асосида амалга ошириш;*
- *янги иш жойларини ташкил қилиш;*
- *объект ҳудуди ва атрофини ободонлаштириш.*

Танлов савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ўтказиладиган санадан камида уч кун аввал ўз сармоявий таклифларини конвертга муҳрланган ҳолда ва қуйидаги ҳужжатлар тўплами билан бирга тақдим қилишлари шарт:

- *танлов қатнашчисининг талабномаси;*
- *таъсис ҳужжатлари нусхалари (хорижий сармоядорлар — ҳуқуқий шахслар учун Ўзбекистон элчихонаси ёки улар вакил бўлган давлатнинг Ўзбекистондаги элчихонаси тасдиқлаган таъсис ҳужжатлари нусхалари);*
- *сармоядор вакилига амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома;*
- *сармоядорнинг тўлов салоҳиятига эга эканлигини тасдиқловчи, хизмат кўрсатувчи банкнинг маълумотномаси;*
- *объектни сотиб олиш баҳоси (бошланғич баҳосидан кам бўлмаган миқдорда), шакллантириладиган бизнес йўналишига киритиладиган сармоя миқдори ва муддати кўрсатилган бизнес-режа (конвертга солинган ҳолда тақдим этилади);*
- *савдода қатнашиш учун савдо объекти кўрсатилган ҳолда закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжатининг нусхаси;*
- *жисмоний шахслардан — паспорт нусхалари.*

Сотилиши белгиланган объектларнинг бошланғич баҳоси эркин муомаладаги валютада белгиланган бўлиб, талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мазкур объектлар миллий валютада сотилиши мумкин, бунда тўловлар тўлов кунидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган сармоядорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини миллий валютада «Munitsipal Auksion Markazi» нинг АИКБ «Ипак йўли» банки, МФО 00444, СТИР 300053338, 20208000004555055001 ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт.

Эркин муомаладаги валютада (АҚШ доллари) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бош бошқармаси ҳисоб-касса марказидаги МФО 00014, 2150 8840 0006 0028 9002 ҳисоб рақамига ўтказилади. SWIFT: CBUZUZ22

**«Munitsipal auksion markazi» масъулияти чекланган жамияти томонидан 2007 йил 23 сентябрдан 6 октябргача ўтказилган очиқ танлов савдоларининг натижалари**

| № | Объект номи | Савдо куни | Бошланғич баҳоси (АҚШ доллари) | Сотилиш баҳоси |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Пушкин кўчасида жойлашган қурилиши тугалланмаган гараж биноси | 30.10.2007 й. | 316 200,53 | 855 000 АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш шарти билан 400 000 АҚШ долларига сотилди |
| 2. | Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Нилуфар тор кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган қурилиши тугалланмаган маъмурий бино | 30.10.2007 й. | 134 252,44 | 390 000 АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш шарти билан 145 500 АҚШ долларига сотилди |

**Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, М-14, 19-уй.**
**Телефонлар: 144-88-04, 144-88-03.**

**Гувоҳнома: № 001568 — 09.**


Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси жамоаси уюшма қошидаги «AGRO-NEKTAR» шўъба корхонаси директори

**Иброҳим Иноятович**
**ЖЎРАЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, Касаба уюшма қўмитаси ва Ҳуқуқшунослик факультети жамоаси Давлат ва ҳуқуқ назарияти ва халқаро ҳуқуқ кафедраси мудири, профессор Қодир Алимовга рафиқаси

**Наталья АЛИМОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 24132 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.
Навбатчи — Қ. Ҳидиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 23.00 7 8